



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (59) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х.ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (59)

2023

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2023, Accepted: 05.09.2023, Published: 15.09.2023.

УДК 616.24-002.5:574-036.22-08

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУБЕРКУЛЕЗ ЭПИДЕМИК ЖАРАЁНИНИНГ АЙРИМ КЎРИНИШЛАРИ

¹Матқурбанов Х.И. <https://orcid.org/0009-0003-3186-9542>

²Мухтаров Д.З. <https://orcid.org/0009-0006-9034-0288>

³Буриев А.Я. ses.servis1952@mail.ru

⁴Облоқулов А.Р. <https://orcid.org/0000-0002-8807-3081>

⁵Умиров С.Э. <https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй, Тел: +998 (62) 224-84-84, +998919150030, E-mail: info@urgfiltma.uz

²Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий маркази, Ўзбекистон, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси 1-уй.Тел: +998 71-278-02-09 E-mail:<http://www.tbcenter.uz/>

³Қарши давлат университети, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 – уй, ses.servis1952@mail.ru, Тел:+998906169275

⁴Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси кўчаси,1-уй,Тел: +998 (65) 223-00-50 +998 90 635 04 44, E-mail: info@bsmi.uz

⁵Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй.+998 (71) 268-17-44 E-mail: info@tipme.uz

✓ Резюме

Қириш. Туберкулез эпидемик жараёни кўринишларини ўрганишмўҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Тадқиқот мақсади: туберкулезга қарши чора-тадбирлар такомиллаштирилиши учунэпидемик жараён кўринишларини таҳлил этиш. Материаллар ва усуллар.ТБ билан касалланиш ва зарарланганликни акс эттирувчирасмий маълумотлар. Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.Хоразм вилоятида 2022 йилда 2005 йилга қараганда туберкулез билан касалланиш 1,8 марта, зарарланганлик 1,9 марта камайган. 2010-2022 йилларда ТБ билан касалланишнинг ёш таркибида 0-14 ёш ва 15-17 ёш гуруҳидагилар ҳиссаси ишонarli даражада пасайган. ТБ билан касалланишнинг жинсий таркибида эркакларнинг ҳиссаси, аёллар ҳиссасига нисбатан ўртача 1,2 марта юқори ва бу ҳолат эркаклар ТБ билан касалланишга нисбатан турли ижтимоий-маиший хавф омилларига аёлларга нисбатан кўпроқ дуч келиши, 15-17 ёш гуруҳидаги ТБ беморлари таркибида ўғил болалар улушининг юқорилиги эса касаллик ривожланишида биологик омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Хулосалар.Тадқиқот натижалариТБ га қарши тадбирлар амалга оширилишида инobatга олиниши зарур.

Калит сўзлар:Туберкулез, касалланиш, зарарланганлик, динамика, ёш ва жинс таркиби

НЕКОТОРЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ЭПИДЕМИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ТУБЕРКУЛЕЗА В ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

¹Матқурбанов Х.И.<https://orcid.org/0009-0003-3186-9542>

²Мухтаров Д.З.<https://orcid.org/0009-0006-9034-0288>

³Буриев А.Я.ses.servis1952@mail.ru

⁴Облоқулов А.Р.<https://orcid.org/0000-0002-8807-3081>

⁵Умиров С.Э.<https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz



²Республиканской специализированной научно-практической медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии, Узбекистан, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. Мажлисий, дом-1, Тел: +998 71-278-02-09 E-mail: <http://www.tbcenter.uz/>

³Каршинский государственный университет, Узбекистан, Кашкадарьинская область, город Карши, улица Кучабог, дом – 17. ses.servis1952@mail.ru, Тел: +998906169275

⁴Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

⁵Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников
Город Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Паркентская №51
+998 (71) 268-17-44 E-mail: info@tipme.uz

✓ Резюме

Введение. Изучение проявлений туберкулезного эпидемического процесса имеет важное научное и практическое значение. **Цель исследования:** проанализировать проявления эпидемического процесса с целью совершенствования мер борьбы с туберкулезом. **Материалы и методы.** Официальные данные, отражающие заболеваемость и распространенность туберкулеза. **Результаты и их обсуждение.** В Хорезмской области в 2022 году по сравнению с 2005 годом заболеваемость туберкулезом снизилась в 1,8 раза, распространенность снизилась в 1,9 раза. В 2010-2022 гг. доля возрастных групп 0-14 и 15-17 лет в возрастной структуре заболеваемости туберкулезом достоверно снизилась. Доля мужчин в гендерном составе заболевших туберкулезом в среднем в 1,2 раза превышает долю женщин, и это связано с тем, что мужчины в большей степени подвержены воздействию различных социальных и бытовых факторов риска заболевания туберкулезом, чем женщины, а доля мальчиков в составе больных туберкулезом в возрастной группе 15-17 лет высока, что объясняется влиянием биологических факторов на развитие заболевания. **Выводы.** Результаты исследования необходимо учитывать при реализации противотуберкулезных мероприятий.

Ключевые слова: Туберкулез, заболеваемость, распространенность, динамика, половозрастной состав.

SOME MANIFESTATIONS OF THE EPIDEMIC PROCESS OF TUBERCULOSIS IN THE KHORAZM REGION

¹Matkurbanov Kh.I. <https://orcid.org/0009-0003-3186-9542>

²Mukhtarov D.Z. <https://orcid.org/0009-0006-9034-0288>

³Buriev A.Ya. ses.servis1952@mail.ru

⁴Oblokulov A.R. <https://orcid.org/0000-0002-8807-3081>

⁵Umirov S.E. <https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Phthisiology and Pulmonology, Uzbekistan, Tashkent, Shayxontoxur district, street Majlisiy-1, Тел: +998 71-278-02-09 E-mail: <http://www.tbcenter.uz/>

³Karshi State University, Uzbekistan, Kashkadarya region, Karshi city, Kuchabog street, house – 17. ses.servis1952@mail.ru, +998906169275

⁴Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

⁵Center for the development of professional skills of medical workers 51 Parkent street, M.Ulugbek district, Tashkent city. +998 (71) 268-17-44 E-mail: info@tipme.uz

✓ Rezume

Introduction. The study of the manifestations of the tuberculosis epidemic process is of great scientific and practical importance. **The purpose of the study:** to analyze the manifestations of the epidemic process in order to improve measures to combat tuberculosis. **Materials and methods.** Official data reflecting the incidence and prevalence of tuberculosis. **Results and its discussion.** In

the Khorezm region in 2022, compared with 2005, the incidence of tuberculosis decreased by 1.8 times, the prevalence decreased by 1.9 times. In 2010-2022 the proportion of age groups 0-14 and 15-17 years old in the age structure of tuberculosis incidence has significantly decreased. The proportion of men in the gender composition of TB patients is on average 1.2 times higher than the proportion of women, and this is due to the fact that men are more exposed to various social and household risk factors for TB than women, and the proportion of boys in the composition of TB patients in the age group of 15-17 years is high, which is explained by the influence of biological factors on the development of the disease. Conclusions. The results of the study should be taken into account when implementing anti-tuberculosis measures.

Key words: Tuberculosis, incidence, prevalence, dynamics, sex and age composition.

Долзарблиги

Тиббий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда эпидемик жараён кўламига кўра туберкулез (ТБ) аксарият давлатларда жамоат саломатлигига жиддий путур етказувчи долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда 10 миллион атрофидаги киши туберкулез билан касалланган ва 1,3 миллион киши вафот этган (ЖССТ, 2021). Жаҳон миқёсидаги стандарт даволашга резистент туберкулез шаклларининг тўртдан бир қисми Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасининг ҳиссасига тўғри келади. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб туберкулез бўйича эпидемик вазият ёмонлашиши, касалликнинг тарқалган ва асоратланган шакллари, ўлим ҳолатлари кўпайиши, *Mycobacterium tuberculosis*нинг дориларга резистентлиги ошиши кузатилмоқда [2, 3, 5, 6].

Ўзбекистонда сўнгги йиллар мобайнида касалланиш даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилаётганлигига қарамасдан, умуман олганда, туберкулез бўйича эпидемик вазиятнинг етарлича жиддийлиги сақланиб қолмоқда (Парпиева Н. Н., Костромцов С. В., Мухамедов К. С., 2011). Туберкулез экологик таназзулга юз тутган Жанубий Орол минтақаси, жумладан, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизими учун алоҳида муҳим муаммо ҳисобланади [4]. Юқорида келтирилган ҳолатлар ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилоятида туберкулез билан касалланишнинг эпидемик жараён кўринишларини таҳлил этиш асосида туберкулезга қарши тадбирлар мажмуасини такомиллаштиришдан иборат.

Материал ва усуллар

Хоразм вилоятида туберкулез билан касалланиш ва зарарланганликнинг 2005-2022 йиллар мобайнидаги динамикасини ақс эттирувчи расмий статистик маълумотлар таҳлил этилди. Шунингдек, расмий маълумотлар асосида туберкулез билан бирламчи касалланиш ҳолатларининг 2010-2022 йиллардаги ёш ва жинс таркиби баҳоланди. Тадқиқотда эпидемиологик, статистик таҳлил усулларида фойдаланилди. Таққосланаётган гуруҳлар ўртасидаги фарқ $p < 0,05$ даражасида статистик аҳамиятли сифатида баҳоланди.

Натижа ва таҳлиллар

Хоразм вилоятида туберкулезнинг тарқалганлигини баҳолаш учун, жадалликнинг асосий параметрлари - туберкулез билан касалланиш ва зарарланганликнинг кўп йиллик (2005-2022 йй.) динамикаси таҳлил этилди (1-жадвал). Таҳлил натижаларига кўра, 2005-2022 йиллар мобайнида туберкулез билан касалланиш (туберкулезнинг янги ҳолатлари аниқланиши), ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан 29,5 дан (2021 йил) 58,6 га қадар тебраниб турган, ўртача кўрсаткич – 45,1. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида касалланишнинг яққол пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2005-2010 йиллар ва 2013 йилда ўртача даражадан юқори, қолган йилларда эса ўртача даражадан паст кўрсаткич қайд этилган. Вилоятда 2022 йилда 2005 йилга қараганда туберкулез билан касалланишнинг янги ҳолатлари 1,8 марта пасайган ($p < 0,05$). 2022 йилда 2005 йилга нисбатан касалланишнинг пасайиш суръати 45,4% ни, ўртача йиллик пасайиш суръати эса 2,5% ни ташкил этган.

Хоразм вилоятида туберкулез билан касалланиш ва зарарланганликнинг кўп йиллик динамикаси (2005-2022 йй.)

Йиллар	Жадаллик кўрсаткичи (100 минг нафар аҳолига)	
	касалланиш	зарарланганлик
2005	58,6	113,0
2006	57,0	101,8
2007	56,8	93,5
2008	55,5	93,0
2009	57,8	92,5
2010	49,1	85,6
2011	39,1	61,4
2012	40,6	60,4
2013	47,5	64,4
2014	44,2	65,4
2015	44,3	63,2
2016	46,8	71,5
2017	44,6	72,9
2018	39,4	67,7
2019	38,7	68,6
2020	30,3	60,4
2021	29,5	55,9
2022	32,0	59,0
Ўртача	45,1	75,0

2005-2022 йиллар мобайнида туберкулез билан зарарланганлик, ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан 55,9 дан (2021 йил) 113,0 га қадар тебраниб турган, ўртача зарарланганлик – 75,0. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида зарарланганликнинг ҳам яққол пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2005-2010 йиллар мобайнида ўртача даражадан юқори, 2011-2022 йилларда эса ўртача даражадан паст кўрсаткич қайд этилган. Вилоятда 2022 йилда 2005 йилга қараганда туберкулез билан зарарланганлик 1,9 марта камайган ($p < 0,05$). 2022 йилда 2005 йилга нисбатан зарарланганликнинг пасайиш суръати 47,8% ни, ўртача йиллик пасайиш суръати эса 2,7% ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида туберкулез билан бирламчи касалланиш ҳолатларининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиш динамикаси таҳлил этилди (2-жадвал). 2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Хоразм вилоятида туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланишнинг аҳоли ёш гуруҳлари ўртасида 2010-2022 йиллар мобайнидаги динамик тақсимланишида 0-14 ёш гуруҳидагиларнинг ҳиссаси 8,9% дан (2022 йил) 15,3% га (2016 йил) қадар тебраниб турган, ўртача – 12,8%. 2011-2015 йиллар ва 2016-2019 йиллар мобайнидаги кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан юқори, қолган йилларда эса ўртача кўрсаткичдан паст.

Хоразм вилоятида туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланишнинг аҳоли ёш гуруҳлари ўртасида динамик тақсимланиши, 2010-2022 йй., %

Ёш гуруҳлари	Йиллар													Ўртача
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
0-14 ёш	11,3	13,2	14,8	15,0	13,7	12,1	15,3	13,6	13,8	13,4	11,5	10,2	8,9	12,8
15-17 ёш	5,0	6,3	3,1	4,8	3,0	2,2	2,5	2,7	1,7	2,3	2,3	1,3	0,8	2,9
18 ёшдан юқори	83,7	80,5	82,1	80,2	83,3	85,7	82,2	83,7	84,5	84,3	86,2	88,5	90,3	84,3

Сўнгги йилларда (2020-2022 йй.) мазкур кўрсаткичнинг ўртача даражадан пастлиги ватуберкулез билан касалланишнинг ёш гуруҳлари бўйича таркибида 0-14 ёш гуруҳидагилар улушининг тобора пасайиб бораётганлиги эътиборга молик ҳамда ижобий силжиш сифатида баҳоланиши мумкин. Туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланишнинг таркибида мазкур

ёш гуруҳидагиларнинг улуши 2022 йилда (8,9%), 2016 йилдагига (15,3%) қараганда 1,7 марта паст ($p < 0,05$).

Туберкулез билан касалланишнинг ёш таркибида 2010-2022 йиллар мобайнида 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг ҳиссаси 0,8% дан (2022 йил) 6,3% га (2011 йил) қадар тебраниб турган, ўртача кўрсаткич – 2,9%. Мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 2022 йилда (0,8%), 2010 йилдагига (5,0%) қараганда 6,3 марта паст ($p < 0,05$).

Туберкулез билан касалланишнинг ёш таркибида 2010-2022 йиллар мобайнида 18 ёшдан юқори ёш гуруҳидагиларнинг ҳиссаси 80,2% дан (2013 йил) 90,3% га (2022 йил) қадар тебраниб турган, ўртача кўрсаткич – 84,3%. Мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 2022 йилда (90,3%), 2010 йилдагига (83,7%) қараганда 1,1 марта юқори. Умуман олганда, туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланиш узлуксиз камайиш жараёни кечаётган шароитда, касалликнинг ёш бўйича таркибида болалар улушининг тобора пасая бораётганлиги, Ўзбекистон Республикасида, жумладан Хоразм вилоятида мазкур патологияга нисбатан амалга оширилаётган мажмуавий тадбирларнинг самараси сифатида баҳоланиши ва аҳоли турмуш даражаси ўсаётганлигининг индикатори сифатида қаралиши мумкин.

Туберкулез билан касалланишнинг янги ҳолатлари жинсий таркибида 2010-2022 йиллар мобайнида эркак жинсига мансуб шахслар гуруҳидагиларнинг ҳиссаси 48,6% дан (2020 йил) 60,3% га (2013 йил) қадар тебраниб турганлиги, эркаклар ҳиссаси ўртача 55,3% ни ташкил этиши аниқланди (3-жадвал). Аёл жинсига мансуб гуруҳидагиларнинг улуши 39,7% дан (2013 йил) 51,4% га (2020 йил) қадар тебраниб турганлиги аниқланди, аёллар ҳиссаси ўртача 44,7% ни ташкил этади.

3-жадвал

Хоразм вилоятида туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланишнинг жинсий таркиби, 2010-2022 йй., %

Жинсий гуруҳлар	Йиллар												Ўртача	
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021		2022
Эркаклар	55,2	54,1	57,4	60,3	55,5	57,5	54,5	56,8	51,8	56,7	48,6	51,5	56,2	55,3
Аёллар	44,8	45,9	42,6	39,7	44,5	42,5	45,5	43,2	48,2	43,3	51,4	48,5	43,8	44,7

Туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланиш жинсий таркибида эркакларнинг ҳиссаси, аёллар ҳиссасига нисбатан 1,2 марта юқори. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, таҳлил этилаётган йиллар мобайнида (2010-2022 йй.) ТБ билан касалланишнинг жинсий таркибидаги мазкур нисбат, яъни беморлар ўртасида эркаклар ҳиссасининг ўртача 5,0% юқорилиги деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган.

Туберкулез билан касалланганлар таркибида эркак жинсидаги шахсларнинг устуворлиги аҳолининг барча ёш қатламларига хос ёки хос эмаслигини аниқлаш мақсадида, 2010-2022 йиллар мобайнида ёш гуруҳлари бўйича туберкулез билан касалланишганҳар бир жинс вакиллари умуий сони ҳисоблаб топилди ва тегишли ёш гуруҳидаги ТБ билан касалланишганаҳоли таркибидаги ҳиссаси таҳлил этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм вилоятида туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланишнинг аҳоли ёш-жинсий гуруҳлари ўртасида тақсимланиши, 2010-2022 йй.

Жинси	Жами	Шулардан		
		18 ёшдан юқори	15-17 ёш	0-14 ёш
Эркак, %	55,3	56,0	47,8	52,6
Аёл, %	44,7	44,0	52,2	47,4

4-жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, 2010-2022 йиллар мобайнида туберкулез билан касалланишнинг янги ҳолатлари таркибида эркак жинсидаги беморларнинг улуши ўртача 55,3% ни ташкил этган бўлса, 18 ёшдан юқори ёшдагилар гуруҳида 56,0% ни, 15-17 ёш гуруҳидагилар таркибида 47,8% ни ва 0-14 ёш гуруҳидагилар таркибида эса 52,6% ни ташкил этган. Шу даврда туберкулез билан касалланишнинг янги ҳолатлари таркибида аёл жинсидаги беморларнинг улуши тегишли ёш гуруҳларида ўртача мос равишда 44,7%, 44,0%, 52,2% ва 47,4% ни ташкил этган. Аҳолининг жинсий таркибида эркак ва аёл жинсига мансублар сони

деярли тенг эканлиги аниқланди. Масалан, 2021 йилда Хоразм вилояти аҳолисининг умумий сони 1893320 нафар кишидан иборат, жумладан эркак жинсига мансублар 946778 нафар (50,0%), аёл жинсига мансублар 946542 нафар (50,0%). Аҳолининг жинсий таркибида эркак ва аёл жинсига мансублар сони деярли тенг бўлган бир пайтда, туберкулез билан касалланганлар таркибида эркак жинсидаги шахсларнинг устуворлиги, эркаклар туберкулез билан касалланишга нисбатан турли ижтимоий-маиший хавф омилларининг таъсирига аёлларга нисбатан кўпроқ дучор бўлишлари билан изоҳланиши мумкин. Шу билан бирга, 15-17 ёш гуруҳидаги ТБ беморлари таркибида ўсмир ўғил болаларнинг улуши 47,8% ни, ўсмир қизларнинг улуши эса 52,2% ни ташкил этиши касаллик ривожланишида биологик омилларнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжудлигини кўрсатади.

Хулоса

Хоразм вилоятида 2022 йилда 2005 йилга қараганда туберкулез билан касалланишнинг янги ҳолатлари 1,8 марта, зарарланганлик даражаси эса 1,9 марта камайган. 2022 йилда 2005 йилга нисбатан касалланишнинг пасайиш суръати 45,4% ни, ўртача йиллик пасайиш суръати эса 2,5% ни ташкил этган. Шу даврда зарарланганликнинг пасайиш суръати 47,8% ни, ўртача йиллик пасайиш суръати эса 2,7% ни ташкил этган. 2010-2022 йиллар мобайнида туберкулез билан касалланишнинг ёш таркибида 0-14 ёш ва 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг ҳиссаси статистик аҳамиятли даражада пасайган. Туберкулезнинг янги ҳолатлари билан касалланиш узлуксиз камайиш жараёни кечаётган шароитда, касалликнинг ёш бўйича таркибида болалар улушининг тобора пасая бораётганлиги, мазкур патологияга нисбатан амалга оширилаётган мажмуавий тадбирларнинг самараси сифатида баҳоланиши ва аҳоли турмуш даражаси ўсаяётганлигининг индикатори сифатида қаралиши мумкин. Таҳлил этилаётган 2010-2022 йиллар мобайнида туберкулез билан касалланишнинг жинсий таркибида эркакларнинг ҳиссаси, аёллар ҳиссасига нисбатан ўртача 1,2 марта юқори ва ушбу йиллар мобайнида касалланишнинг жинсий таркибидаги мазкур нисбат, яъни беморлар ўртасида эркаклар ҳиссасининг ўртача 5,0% юқорилиги деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. Туберкулез билан касалланганлар таркибида эркак жинсидаги шахсларнинг устуворлиги, эркаклар туберкулез билан касалланишга нисбатан турли ижтимоий-маиший хавф омилларининг таъсирига аёлларга нисбатан кўпроқ дуч келишлари билан изоҳланиши мумкин. Шу билан бирга, 15-17 ёш гуруҳидаги ТБ беморлари таркибида ўсмир ўғил болаларнинг улуши 47,8% ни, ўсмир қизларнинг улуши эса 52,2% ни ташкил этиши касаллик ривожланишида биологик омилларнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжудлигини кўрсатади. Шундай қилиб, тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олинган ушбу натижалар туберкулезга қарши мажмуавий чора-тадбирлар режалаштирилиши ва амалга оширилишида инобатга олиниши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Парпиева Н. П., Белоцерковец В. Г., Тилляшайхов М. И., Тураев Л. Т. Характеристика лекарственной устойчивости микобактерий туберкулеза у ВИЧ-инфицированных // Туберкулез и болезни легких, 2011;5:101.
2. Парпиева Н. Н., Абулкасимов С. П., Пулатов Ж. А., Мухторов Ш. Н., Айтжанова А. У. Побочные нежелательные явления при применении бедаквилина в режиме лечения больных с ШЛУ ТБ. //«Молодой учёный» 10.1 (196.1) . Март 2018;31-33
3. Садирова Д.С., Трубников А.Б., Мухтаров Д.З., Саидова Ш.М., Каландарова Л.Н. Обоснование рациональности внедрения краткосрочных курсов лечения МЛУ ТБ больных. //«Молодой учёный» . Март 2018;10.1(196.1):52-55.
4. Хамраев А.К., Сейтмуратов Р.К., Мадреимов А. О динамике заболеваемости туберкулезом в Республике Каракалпакстан. //Вестник Хорезмской Академии Маъмуна. Хива, 2013;1(26):60-63.
5. Doug Campos-Outcalt. Screening for tuberculosis: Updated recommendations. //Journal of Family Practice. 2017;66(12):755-757.
6. TheGlobalTBReport. Geneva: WHO, 2020. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.who.int/publications/i/item/9789240013131>
7. TheGlobalTBReport. Geneva: WHO, 2021. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.who.int/publications/i/item/9789240013131>

Қабул қилинган сана 20.09.2023